

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари телефон орқали мулоқот қилдилар



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 декабрь куни Қирғиз Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида давлат раҳбарлари кириб келаётган Янги йил муносабати билан бир-бирларига самимий табрик ва эзгу тилаклар билдирдилар.

Таъкидлаш жоиз, 2019 йил мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничilik ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлди.

Ўзаро алоқалар жадаллашди, савдо кўрсаткичлари икки баробар ўсди, sanoat ва транспорт соҳаларида кооперация лойиҳалари илгари сурилмоқда, ҳудудлар ўртасидаги ва маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Сухбатда Президентлар Тошкент шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви яқунларини юксак баҳоладилар.

Ўзбекистон-Қирғизистон ҳамкорлигининг истиқболлари ҳамда 2020 йилга мўлжалланган икки томонлама тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Манба